

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

КАРИМОВА ФЕРУЗАХОН САЙФУДДИНОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ДИАЛОГИК НУТҚНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
philological sciences**

Каримова Ферузахон Сайфуддиновна

Ўзбек тилидаги диалогик нутқнинг лингвопрагматик

хусусиятлари..... **3**

Каримова Ферузахон Сайфуддиновна

Лингвопрагматические особенности диалогической речи в узбекском

языке **27**

Karimova Feruzakxon Sayfuddinovna

Linguopragmatic features of dialogic speech in Uzbek

language..... **51**

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works **55**

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

КАРИМОВА ФЕРУЗАХОН САЙФУДДИНОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ДИАЛОГИК НУТҚНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Fil1084 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти веб-саҳифасининг www.tai.uz ҳамда “Ziyouet” ахборот-таълим порталининг www.ziyouet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Худайберганова Дурдона Сидиковна,**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Собиров Абдулхай Шукурович,**
филология фанлари доктори, профессор

Қурбонова Муҳаббат Матякубовна,
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (871) 233-71-44; факс: (871) 233-71-44; e-mail:uztafi@academy.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил “_____” _____ да тарқатилди.
(2021 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.М.Маҳмудов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Ғ.М.Исмоилов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
ф.ф.н., катта илмий ходим

И.Ж.Йўлдошев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси ўринбосари, ф.ф.д., проф.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида сўнгги йилларда антропоцентризм йўналиши лисоний тизимга лингвистик ёндашувнинг бош мезонларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. XX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб тил ва нутқ дихотомияси, нутқий мулоқот, мулоқотдаги сўзловчи ва тингловчининг лисоний тафаккури масаласини тадқиқ этиш долзарб мавзуларга айланмоқда. Тилдаги миллий менталликнинг намоён бўлиши, коммуникатив жараён ва нутқий вазият каби масалалар ўзбек тилшунослиги учун ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё тилшунослигида нутқий мулоқотга ҳаракатдаги жараён сифатида қараш ҳамда нутқий актлар ҳақидаги назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши сабаб матн ва дискурс, диалогик савол-жавоб мавзуси тилшуносликда янгича ёндашувдаги тадқиқотлар заруриятини келтириб чиқармоқди. Диалог жараёнидаги вербал ва новербал воситалар ўрнини тадқиқ этишда ижтимоий ва руҳий муҳит таъсирини ҳам эътибордан соқит қилмаслик тадқиқ этилаётган масалани ойдинлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда ўзбек тилининг сержило оҳанги ва бой маънавий меросини авлодлар онгу шуурига етказиш ва уни эъзозлаш жараёнига сўнгги йилларда катта эътибор қаратилмоқда. «Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир».¹ Бу борада ўзбек лингвомаданиятига мансуб шахсларнинг диалогик нутқини лингвопрагматик ёндашувда тадқиқ этиш зарурияти ҳам муҳим саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5850-сонли Фармони. 2019 йил 21 октябрь. <https://lex.uz/docs/4561730>.

декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тил илми ва фалсафасида тил ва нутқнинг ўзаро муносабати масаласи дастлаб Вильгельм фон Гумбольдт, Фердинанд де Соссюр, Э.Сепир, Б.Уорф, Л.Вайсгербер асарларида акс этган.² Жаҳон тилшунослигида нутқий мулоқот ҳақидаги назарияларнинг ривожланиши бевосита тил ва нутқ фарқланиши билан боғлиқ. Диалогик нутқнинг ўрганилиши жаҳон тилшунослигида нутқий акт ҳақидаги назарияларнинг бойиши ҳисобига кенгайди ва маълум натижаларга эришилди. Жонли сўзлашув нутқи ва диалогик нутқнинг ўрганилишида Л.Шчерба, Н.Шведова, Л.Якубинский, Л.Виготский, П.Грайс, Ж.Остин, Ж.Серль, Н.Арутюнова, Е.Падучева, А.Баранов, Г. Крейдлин каби тилшуносларнинг илмий-назарий қарашлари методологик асос вазифасини ўтайди.³

Ўзбек тилшунослигида диалогик нутқнинг ўрганилиши А.Ҳазратқулов, Б.Ўринбоев, Н.Маҳмудов, А.Бобоева, Ў.Лапасов, Л.Раупова сингари олимларнинг тадқиқотлари билан боғлиқ.⁴ Мазкур олимларнинг

² Гумбольдт В. Фон. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – С. 47-84; Нурмонов А. Структур тилшунослик илдизлари ва йўналишлари («Лингвистика» йўналишидаги магистрлар учун қўлланма). – Андижон, 2006. – Б. 30-40; Маҳмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. – №3. – Б. 3-12.

³ Шчерба Л.В. Восточно – лужицкое наречие. – СПб., Т.1. . – 1915. – 54 с.; Шведова Н.Ю. Очерки по синтаксису русской разговорной речи. – М., 1960. – С. 277-280; Якубинский Л.П. О диалогической речи // Избранные работы. Язык и его функционирование. – М.: Наука, 1986. – С.17-59; Грайс Г.П. Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистике. – М.: Прогресс, 1985. – Вып. XVI. – С.217-237; Остин Ж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике. – М.: Прогресс, 1986. – Вып. XVII. – С. 22-129; Серль Ж. Что такое речевой акт? // Новое в зарубежной лингвистике. – М.: Прогресс, 1986. – Вып. XVII. – С. 151-169; Арутюнова Н.Д. Некоторые типы диалогических реакций и «почему» - реплики в русском языке // Филологические науки. – Москва, 1970. – № 3. – С. 44-58; Арутюнова Н.Д. Диалогическая цитация (к проблеме чужой речи) // Вопросы языкознания. – Москва, 1986. – № 1. – С. 50-64; Падучева Е.В. Вопросно-ответное соответствие // Высказывание и его соотносительность. – М.: Наука. – С. 233-240; Баранов А.Н., Крейдлин Г.Е. Иллокутивное вынуждение в структуре диалога // Вопросы языкознания. – Москва, 1992. – № 2. - С. 84-99; Вежицка А. Речевые акты // Новое в зарубежной лингвистике. – М.: Прогресс, 1985. – Вып. XVI. - С. 251-275.

⁴ Ҳазратқулов А. Диалогическая речь в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1966; Шу муаллиф. Ўзбек тили диалогик нутқ синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1991; Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. – Тошкент: Фан, 1974; Маҳмудов Н.М. Эллипсис в узбекском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1977. – 111 с; Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар. – Тошкент, 1978; Лапасов Ў. Диалогик нутқда субъектив модалликнинг ифодаланиши: Филол. фан. номз... дисс. ... автореф. – Тошкент, 1996; Раупова Л. Диалогик

ишларида диалогик нутқнинг синтактик ва мазмуний томонларига кўпроқ эътибор қаратилган. Сўнги йилларда нутқий мулоқот жараёнининг ўрганилишида ижтимоий муҳит таъсири ва прагматик ёндашув масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан диалогик нутқнинг лингвопрагматик хусусиятларини ёритишда сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий-руҳий ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда иш кўриш муҳим ҳисобланади. Бу эса мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини билдиради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ҳозирги глобаллашув даврида ўзбек тили, унинг тарихий тараққиёти ва истиқболлари (ўзбек тили вазифавий услублари таҳлили асосида)» мавзусидаги тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилидаги диалогик нутқнинг лингвопрагматик хусусиятларини аниқлаш, унинг самарали амалга ошишида лингвопрагматик омилларнинг ижтимоий ва психологик омиллар билан уйғунлашувини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- диалогик нутқнинг лингвопрагматик хусусиятларини аниқлаш;
- диалог ва монолог ҳодисаларининг бир-бирига ўтиш ҳолатларини асослаш;
- диалогик нутқнинг мазмуний турларини гуруҳлаштириш;
- диалогик нутқнинг самарали кечишида прагматик, ижтимоий ва психологик омиллар уйғунлигини аниқлаш;
- савол-жавоб типидagi диалогик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятини очиқ бериш;
- диалогик нутқда нутқий стратегия ва тактиканинг вазифасини аниқлаш;
- диалогдаги нолисоний омиллар ўрнини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тилидаги диалогик нутқ, монологик нутқ ва сўзлашув нутқидаги савол-жавоб бирликлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тилидаги диалогик нутқнинг лингвопрагматик хусусиятлари ва ундаги лингвопрагматик, миллий-маданий ва ижтимоий-руҳий омиллар уйғунлиги ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, умумлаштириш, психологик, дискурсив таҳлил, лингвомаданий таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- диалогик нутқ жараёнида амал қилувчи сўзловчи ва тингловчи муносабатининг мазмуний-прагматик жиҳатлари миллий-маданий муҳит

доирасида амал қилиши, бунда суҳбатдошларнинг умумий билиш фонди билан биргаликда оламни ҳиссий идрок этиш тамойилларининг бир-бирига мос келиши далилланган;

диалог ва монолог ҳодисаларининг бир-бирига ўтиш ҳолатлари, боғлиқлиги ва умумий кесишув нуқталари белгиланиб, бу ҳолат жонли нутқ ва адабий тил чегараларидаги муштарак томонларни бирлаштиришда ижобий натижа бериши асосланган;

диалогларни тасниф этишда жумлалар мазмуни билан биргаликда иштирокчиларнинг мазкур нутқий жараён кечаётган вақт ва замондаги ҳиссий ва ижтимоий ҳолатларини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланган;

ўзбек тилида *нега* ва *нима* компонентли савол-жавоб диалогик бирликларида савол мазмуни билан бирга инкор, буйруқ, ранжиш, тинчлантириш, тасдиқ, мажбурлаш, аччиқланиш, норозилик каби қўшимча прагматик маънолар ҳам ифодаланиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диалогик нутқнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда синтактик, семантик ва прагматик ёндашувнинг умумий хулосаларига таяниш, сўзловчи ва тингловчи мулоқотидаги ижтимоий ва руҳий томонларга эътибор қаратиш муҳимлиги, жонли диалог намуналари маълум миллий-маданий муҳитни ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши асосланган;

савол-жавоб диалогик бирликларининг ифода томони билан мазмун томони ўртасида номувофиқлик мавжудлиги ва у прагматик мазмун билан боғлиқлиги мисоллар ёрдамида исботланган ҳамда прагматик мазмуннинг нутқий вазият ва контекст билан боғлиқлиги асослаб берилган;

диалог мисолида тадқиқ этилган ўзбекона миллий-маданий хусусиятлар лингвомаданиятшунослик ва услубшунослик фанларини ўқитишда муайян аҳамият касб этиши кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, таҳлилга тортилган лисоний материалларнинг асослилиги, прагмалингвистика соҳасида қўлланилган усуллардан фойдаланилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилидаги диалогик бирликларнинг линвопрагматик, ижтимоий-руҳий хусусиятларига доир мавжуд илмий-назарий қарашларни янги билимлар билан бойитиши ҳамда мазкур бирликларнинг нутқий мулоқотга доир хусусиятларини аниқлашда назарий асос вазифасини ўташи билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Прагмалингвистика», «Психоллингвистика», «Социоллингвистика», «Мулоқот маданияти», «Услубшунослик» каби махсус курсларни ўқитишда; прагмалингвистикага

оид дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, илмий рисоалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилидаги диалогларни прагмалингвистик тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

диалогик нутқда қўлланиладиган *диалогик дискурс, лингвистик прагматика, мулоқот кодекси, психолингвистик омил, миллий-маданий сўзлар, миллий-маданий омиллар* каби янги терминлар ўзбек тилшунослигининг замонавий тадқиқ йўналишига хос тараққиётни кўрсатувчи омиллардан бири эканлиги ҳақидаги хулосалардан ФА – Ф1-Г041 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 12 январдаги 3/1255-74-сон маълумотномаси). Натижада ушбу терминлар мустақиллик даври ўзбек терминологияси тараққиётини кўрсатувчи омил сифатида қайд этилган ва лойиҳада бу хусусидаги назарий фикрларнинг иллюстратив мисоллар билан далилланиш даражаси ортган;

диалогик нутқнинг лингвопрагматик хусусиятини очиб берувчи *коммуникатив импликатура, нутқий мулоқот постулатлари, диалогик дискурс, максима, аттракция, миллий-маданий омиллар* каби термин ва таҳлиллардан ОТ–Ф1–78 рақамли «Ҳозирги глобаллашув даврида ўзбек тили, унинг тарихий тараққиёти ва истиқболлари (ўзбек тили вазифавий услублари таҳлили асосида)» мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 12 январдаги 3/1255-74-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек тили луғавий таркиби тараққиёти ҳақидаги назарий фикрларнинг далилланиш даражаси ортган;

диалогик нутқ жараёнининг шаклланиши ва ривожланишида ижтимоий-руҳий, миллий-маданий омилларнинг ўрни хусусидаги қарашлардан «Madaniyat va ma'rifat» телеканалининг «Адабий жараён» кўрсатувлари (Ш.Бўтаев, Э.Аъзам, Х.Дўстмуҳаммад асарлари таҳлиliga бағишланган сонлари) да фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Madaniyat va ma'rifat» телеканалининг 2020 йил 25 ноябрдаги 01-16-124-сон маълумотномаси). Натижада мазкур таклифлар тил бирликларининг нутқий имкониятлари, тилнинг инсон омили билан ўрганилишига доир илмий, амалий ва методологик ғояларнинг кенг жамоатчиликка етказилишида амалий қимматга эга бўлган ҳамда кўрсатув учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та (8 та республика ҳамда 2 та хорижий журналларда) мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 135 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Диалог нутқий мулоқотнинг асосий кўриниши сифатида**» деб номланган биринчи бобида диалогик нутқнинг мулоқот жараёнида тутган ўрни масаласи ва у ҳақдаги қарашларга бўлган муносабат ифодаланган. Мулоқот жараёнидаги диалог ва монолог ҳодисалари қиёсланиб, уларнинг бир-бирига ўтиб туриш ҳолатларига муносабат билдирилган. Ушбу бобнинг биринчи фасли «Диалогларнинг прагмалингвистик талқини: таҳлил ва муносабат» деб номланган бўлиб, бунда диалогик нутқнинг синтактик, семантик ва прагматик томондан ўрганилиши, соҳа мутахассисларининг диалог, дискурс, нутқий акт ҳақидаги қарашлари хусусида маълумот берилиб, уларга илмий-танқидий нуқтаи назардан муносабат билдирилди ҳамда диалогик нутқнинг лингвистик хусусиятларига эътибор қаратилди.

Маълумки, диалогик нутқ ҳар доим савол-жавоб ёки муайян жумла (микроматн) ва унга шахсий муносабат билдириш мақсадида уни давом эттирувчи жумла (микроматн) нинг воқеланиши мажмуидан иборат бўлади. Сўзловчининг стимул-жумласи маълум ният ва мақсадни кўзда тутган бўлади. Шунинг учун ҳам стимул реакцияси моҳиятига эътибор қаратган олимлар уни муайян аниқ нутқий ижро – аниқ макон ва замон, руҳий ва ижтимоий қобик ўрами нуқтаи назаридан баҳолашни афзал кўришади. Бундай қараш синтактика ва семантикадан прагматика соҳасига ўтишни тақозо этади.

Жаҳон тилшунослигида диалогик нутқ мавзусининг ўрганилиши XX аср бошларига тўғри келди. Дастлаб Л.Шчерба, Н.Шведова, Р.Гельгард, Л.Якубинский, Л.Виготский, П.Грайс назарий фикрлари асосида, кейинроқ эса Н.Арутюнова, Е.Падучева, А.Баранов, Г.Крейдлин, А.Вежбицка каби олимларнинг ишларида диалогик нутқ ва унга ёндош нутқий актлар мавзуси

тадқиқ этилди.⁵ Л.В.Шчербанинг «Восточно-лужицкое наречие» номли тадқиқотида келтирилган «..тил ўзлигини диалогда топади, монолог, асосан, тилнинг сунъий шаклидир» тарзидаги эътирофи⁶ диалогик нутқнинг ҳаётий ва жонли нутқ кўриниши эканлигини исботлайди. Л.П.Якубинскийнинг «Диалогик нутқ ҳақида» номли тадқиқотида сўзловчи ва тингловчининг ўзаро репликалар алмашиш жараёнидаги тезкор идрок ва адресант стимулига жавобни шакллантиришнинг лаҳзалик ифодаланиш томонларига эътибор қаратилади. Шунингдек, унинг монологнинг «диалоглашувга интилиши»⁷ ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир.

Сўнгги йиллардаги диалогга бағишланган ишларда унга дискурс сифатида қараш кучайди. Мазкур терминни таърифлашда Ш.Сафаровнинг фикрлари диққатга сазовордир. Унинг: «Матннинг турғун, тайёр маҳсулот, дискурснинг эса кечаётган нутқий мулоқот жараёни сифатида талқин қилиниши уларнинг кескин фарқланишига сабаб бўлади»⁸, – деган фикрлари матнни диалог ва дискурс билан бир қаторда баҳолаш тўғри бўлмаслигига келтирилган далилдир.

Тадқиқотнинг «Диалог ва монологнинг ўзаро таъсири» деб номланган иккинчи фаслида нутқнинг мазкур икки тури бир-бирига қиёсий тарзда таҳлилга тортилди, ушбу мавзуга тўхталган олимларнинг диалог ва монологнинг бир-бирига ўтиб туриш ҳолатлари ҳақидаги фикрларига муносабат билдирилди.

Диалог камида икки коммуникантнинг ўзаро нутқий фаолияти маҳсули бўлиб, унда фикр ҳам, ифода ҳам бир вақтнинг ўзида тайёрланади ва тингловчи «гувоҳлиги» олдида баҳоланади. Монологик нутқда эса фикр ва ифодалаш усули олдиндан тайёрланади ва бунда маълум мақсадлар кўзланган бўлади. Ижро жараёнида ифода бир оз ўзгариши мумкин, аммо фикр диалог каби вазиятга мослашмай, бошланғич ўзанда тураверади. Бу диалогнинг ички ҳаракатда эканлигини (ментал, социал ва маданий томонлар) кўрсатса, монологнинг эса нисбатан турғун жараён эканлигини намоён этади. Яна шуни ҳам таъкидлаш зарурки, диалогда асосий, ягона мақсад суҳбатдошни ўз нутқига кўндириш ёки ишонтириш бўлса, қолган

⁵Шчерба Л.В. Восточно – лужицкое наречие. – СПб., 1915. – 54 с; Шведова Н.Ю.Очерки по синтаксису русской разговорной речи. – М., 1960. – С. 277-280; Гельгардт Р. Рассуждение о диалогах и монологах (к общей теории высказывания) // Сб.док. и сообщ. линг. общество. – Вып. I. – Калинин, 1971. – С. 28-153; Якубинский Л.П. О диалогической речи // Избранные работы. Язык и его функционирование. – М.: Наука, 1986. – С.17-59; Грайс Г.П. Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистике. – М.: Прогресс, 1985. – Вып. XVI. – С. 217-237; Арутюнова Н.Д. Некоторые типы диалогических реакций и «почему» - реплики в русском языке // Филологические науки. – Москва, 1970. – № 3. – С. 44-58; Арутюнова Н.Д. Диалогическая цитация (к проблеме чужой речи) // Вопросы языкознания. – Москва, 1986. – № 1. – С. 50-64; Падучева Е.В. Вопросно-ответное соответствие// Высказывание и его соотнесенность с действительностью. – С. 233-240; Баранов А.Н., Крейдлин Г.Е. Иллокутивное вынуждение в структуре диалога //Вопросы языкознания. – Москва, 1992. – № 2. – С. 84-99; Вежбицка А. Речевые акты // Новое в зарубежной лингвистике. – М.: Прогресс,1985. – Вып. XVI. – С. 251-275.

⁶ Шчерба Л.В. Кўрсатилган асар. – С.4

⁷ Якубинский Л.П. Кўрсатилган асар. – С. 33.

⁸Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.223.

мақсадлар иккиламчи ёки асосий мақсад атрофида айланади, дейиш мумкин. Мақсадлар алмашинувини баъзан репликалар алмашинуви жараёни билан боғлаб таҳлил этиш ҳам маълум натижаларни беради. Айниқса, такрор репликалар бунга гувоҳлик беради. «Диалогик такрор бу коммуникантлар репликасининг прагматик розилик ёки норозилик индикатори ҳисобланади». Диалог ва монолог нутқнинг икки хил кўриниши бўлиб, келтирилган тафовутларга қарамай, уларнинг бири таркибида иккинчиси намоён бўлиши одатий ҳол саналади. Мисол учун қуйидаги монологик нутқ кўринишига эътибор қаратсак:

Ҳаёт қанчалар ширин! Уни ташлаб кетишга одамнинг қандай кўзи қияркан? Сиз қандай ташлаб кетдингиз уни, Нозим ака?! Эҳ, ҳали сизга айтадиган гапларим кўп эди!...Эҳ, ҳаёт, бевафо, бебақо ҳаёт, изтиробинг ҳам шунчалар лаззатлики, сени қандай ташлаб кетиб бўлади?! Сиз қандай ташлаб кетдингиз уни, Нозим ака?! Ўзинг-чи, ўзинг, энди қандай ташлаб кетасан уни?! (Х.Султонов. Ажойиб кунларнинг бирида).

Берилган мисолда нутқ Нозим акага (адресатга) қаратилган, лекин айти нутқий вазиятда Нозим ака иштирок этмаяпти ва адресант адресатга қарата жавоб реакциясини акс эттира туриб, шу мавзуга ўз муносабатини монологик шаклда баён қилмоқда. Бу мисолда сўзловчи ва тингловчи муносабати ихтиёрдан ташқари ҳолда мавжуд ёки диалогдаги иштирокчининг нутқи монолог кўринишини олган, дейиш мумкин. Монолог ичида эса диалог элементлари ҳам мавжуд.

Яна бир мисолни ҳам фикрларимизга далил сифатида келтириш мумкин. Ушбу диалогик нутқда адресант ҳам, адресат ҳам сўзловчи ҳам битта марказда бирлашади. Яъни диалог иштирокчилари: адресант ҳам, адресат ҳам битта шахс ҳисобланади:

- *Ҳозир ётоқ жойингга боргач, нима қилмоқчисан?*
- *Ёлғиз қолмоқчиман! Хонамга кираман-да, эшикни ичкаридан қулфлаб, ҳеч кимни қўймайман!*
- *Бундан мақсад?*
- *Оч ўтириш!*
- *Қачонгача?*
- *Стипендиягача.*
- *Эҳ-ҳе, унга қадар очликдан...*
- *Майли!*
- *Мабодо сенга безараз ёрдам кўрсатмоқчи бўлса, кимларга эшик очардинг?*
- *Бутун оламга!*
- *Бутун олам кирса... Тошқул билан Ражаб ҳам киради-да!*
- *Йўқ. Уларни киритмайман!*
- *Яна кимларни?*
- *Буни ўйлаб кўриш керак. (Э.Аъзам. Кимларга эшик очасан?)*

Мазкур парча аслида сўзловчининг ўзигагина тегишли бўлган монологик нутқ ҳисобланади, аммо у икки кишининг диалоги кўринишида

шакллантирилган. Зеро, ички монологларда кўпинча инсоннинг ўз-ўзи билан савол-жавоб тарзидаги мулоқотга киришиши, ҳар қандай монолог тагида маълум воқеликка жавоб реакцияси сифатида юзага келган стимул-реакция мавжуд эканлиги аён бўлади.

Ўзбек тилшунослигида диалог ва монологнинг бир-бирига ўтиб туриш ҳолатлари дастлаб Н.Маҳмудов ва А.Бобоеваларнинг тадқиқотларида қайд этилган⁹. Профессор Н.Маҳмудовнинг эллипсис ҳодисасига бағишланган номзодлик диссертациясида монолог ва диалогни бир-бирига яқин ҳодисалар сифатида баҳолагани ва «..монолог диалогдан келиб чиққан ёки у диалогнинг алоҳида бир кўринишидир»¹⁰, тарзидаги фикрлари диққатга сазовор. А.Бобоеванинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар» монографиясида диалог ва монолог ҳақида қуйидаги фикрлар берилди: «...диалог ва монолог нутқнинг икки ўзаро бир-бирига алоқадор, бир-бирига ўтиб турадиган шаклидир. Монологик нутқ элементлари диалогда ва, аксинча, диалогик нутқ элементлари монологда сақланиши мумкин».¹¹

Монологнинг «диалоглашув»га интилиши ҳақидаги фикрлар Л.П. Якубинскийнинг ишларида ҳам кўзга ташланади. Олимнинг фикрича, мазкур ҳолат ўзаро мажлисдаги тингловчининг кичик ёзишмалари мисолида, шунингдек, блокнотдаги ёзувлар, бирор матнни ўқиш вақтида унинг четига белгилар қўйилиши кабилар билан изоҳланади.¹²

Тадқиқотнинг «Диалогларнинг мазмуний-прагматик хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобида диалогик нутқни мазмуний гуруҳлаштириш масаласига эътибор қаратилди. Гуруҳларга бўлишда диалогнинг мазмуний хусусиятлари билан биргаликда прагматик ва психолингвистик хусусиятлари ҳам эътиборга олинди.

Бобнинг биринчи фасли «Диалогнинг мазмуний-психологик талқинга кўра турлари» деб номланади. Диалогларнинг мазмун турларига бағишланган ишларда, асосан, уларнинг қуйидаги турлари келтирилади: стимул-реакция, савол-жавоб, баҳс-тортишув, дўстона, нормал ҳамда анормал диалог типлари.¹³ Тилшуносликка оид адабиётларда савол-жавоб типидagi диалоглар тадқиқига кўпроқ эътибор қаратилганлигининг гувоҳи бўламиз.¹⁴ Бу ўринда таъкидлаш жоизки, диалогларнинг мазмуний турлари

⁹ Маҳмудов Н.М. Эллипсис в узбекском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1977. – С.65; Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар. – Тошкент, 1978. – Б. 50.

¹⁰ Маҳмудов Н. Кўрсатилган диссертация. – С. 65.

¹¹ Бобоева А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар. – Тошкент, 1978. – Б. 50.

¹² Якубинский Л.П. Избранные работы. Язык и его функционирование. – М.: Наука, 1986. – С. 33-34.

¹³ Бу ҳақда қаранг: Арутюнова Н.Д. Некоторые типы диалогических реакций и «почему» -реплики в русском языке // Филологические науки. – Москва, 1970. – № 3. – С. 44-58; Вендлер З. Иллокутивное самоубийство // Новое в зарубежной лингвистике. – М., 1985. – Вып.16. – С. 238-250; Конрад Р. Вопросительные предложения как косвенные речевые акты // Новое в зарубежной лингвистике. – М., 1985. – Вып.16. – С. 349-383; Николаева Т. О принципе “некооперации” и/или о категориях социолингвистического воздействия // Логический анализ языка. Противоречивость и аномальность текста. – М.: Наука, 1990. – С. 225-235.

¹⁴ Ҳазраткулов А. Диалогнинг савол-жавоб типлари // Ўзбек тили диалогик нутқ синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.53-83; Падучева Е. Вопросно-ответное соответствие // Высказывание и его соотносительность с действительностью. – С. 233-240; Ленерт У. Проблемы вопросно-ответного диалога // Новое в зарубежной лингвистике. – М.: Прогресс, 1988. – Вып. XXIII. – С. 258-280.

шулар билангина чегараланмайди, нутқда уларнинг яна кўплаб бошқа мазмундаги турлари воқеланиши мумкин. Биз эса прагматингвистик жиҳатдан ўзига хос деб ҳисоблаганимиз сабабли тадқиқотимизда диалогларнинг қуйидаги турларига эътибор қаратдик.

Тинч-дўстона диалоглар. Бундай типли диалоглар тинч, сокин руҳда кечади. Адресант ва адресат мақсади ҳол-аҳволни билиш, бирор воқелик ҳақидаги хабар мазмунини етказиш, хурсандчилик ва хафагарчилик ҳолатидаги воқелик парчасига ҳамфикр бўлиш ёки ҳамдардлик билдириш, объектив оламдаги маълум нарса ҳақидаги маълумот парчасини билиш, шу билан бирга бир-бирини қўллаб-қувватлаш характеридаги савол-жавоблардан иборат бўлади. Иштирокчилар жиддий реакцияга киришишдан ўзларини тияди ва суҳбатдошига ҳамоҳанг руҳда мулоқотга киришади. Тинч-дўстона диалоглар саломлашиш, хабар, сўроқ, табрик, фикр алмашиш характерида бўлади. Мисол:

– Э, Суярбой, – деди Жўра бува соқолини селкилатганча аскар билан қўшқўллаб кўришиб. – Ҳа, қаёқлардан сўраймиз?

Аскар бола худди оғзи куяётгандай галати бир талаффузда (кейинчалик бунга эслаб бутун қишлоқ қулиб юради) жавоб берди:

– Ҳе, армия... Ўшоқларда юрдуқ...

Айтдим, бу Эҳсонбойнинг ули бир-икки кундан бери кўринмай қолди, деб, – Жўра бува қаноат ҳосил қилиб, бош силкиди. – Ишқилиб, эсон-омон бориб келдингизми? Қаерларда бўлдингиз?

– Ҳа, ёмон эмас, – деди аскар. – Кўрдуқ, тагин шу қишлоққа қайтдуқ... Хизмат Германияда ўтду. Хайденбург шаҳарчасининг Хохерзондерштрассе деган жойида...

– А, кўп яхши, – деди Жўра бува. – Йўл бўлсин?

– Шаҳарга кетаётувдик. Кеч қолмасдан бораилуқ, узр.. (И.Султон. Авазбойлик тантилари)

Баҳс-мунозара диалоглари. Бу турга тортишув, беллашув, баҳслашув характеридаги диалоглар киради. Баҳс-мунозара диалог турларини ўз ичида яна кичик гуруҳларга бўлиш мумкин: а) оилавий; б) маиший; в) илмий; г) сиёсий; д) фалсафий каби. Ушбу диалогларда суҳбатдошлар стимул-реакцияси кескин тусда кечади. Иштирокчиларнинг ҳар бири ўз фикри, ҳақиқати ва ғояси учун курашади, ўз ҳақиқатини ўрнатишга уринади.

Баҳс ва мунозара жараёни кучли ёки кучсиз тарзда юз бериши мумкин. Кучсиз баҳс-мунозарада суҳбатдошлар бир-бирини аяб, эҳтиёткорлик билан баҳслашади. Бундай диалогларни олимлар, ўқитувчилар даврасида, сиёсатчилар нутқида кузатиш мумкин. Баъзан ҳазил ёки айёрона савол-жавоб кўринишидаги кундалик, оилавий, хизмат доирасидаги диалогларда баҳс-мунозарани учратамиз. Қуйидаги икки археолог олим диалогига кучсиз баҳс-мунозарани кузатиш мумкин:

– Бунақа фикр учун сизни тошбўрон қилиш керак, – деди Замира жилмайганича.

– Мунча золимлик! Ким у, мендан ростгўйроқ бўл, деб талаб

қиладиган?...

– Ростгўйлик ҳам эви билан- да...

– Нима, сал ошириб юбордимми? – деб талмовсиради Ғайбаров.

– Рост гап одобга зид бўлмаслиги керак.

– Алвидо, хур фикр, асов галаён!... – деб хитоб этди Ғайбаров қўлларини намоишкорона ёзиб. Рост гапни доим таъқиб қилишган. Уни деб одамларни ўлдиршиган, ёқишган, тириклайин терисини шилиб олишган!.. Қуръон, Таврот, Инжил, Талмуд ва саноқсиз ведалар! Шариат ва инквизиция, минг хил тақиқ!.. Хур фикрга омонлик борми ўзи?

Замира ортиқ кулмай қўйди.

– Бас энди, – деди озорланиб. – Нега ўзингизни майна қиласиз? Ахир, сиз аслида бунақа эмассиз-ку?

– Йўқ, худди шунақаман, – деди Ғайбаров қовоғини солиб. Одамзод ақлдан озган-нетган бўлмаса, ўзининг тошини ўзи билади. Қўлтиққа сув пурқаб нима қиласиз, мен шу билан яхши бўлиб қолармидим!..

У жим қолди. Замира афсуслангандай, бошини сараклади, лабларини қаттиқ тишлаганча чуқурдан чиқиб кетди. (М.М.Дўст. Галатепага қайтиш ёхуд саодатманд Ғайбаров ривояти).

Келишмовчилик-зиддият типигади диалоглар. Зиддият ва низонинг келиб чиқиш талқини, аввало, фалсафий ва психологик мазмун-моҳиятга эгалигини таъкидлаш зарур. Социология ва психологияга оид билимларда низонинг 2 хил тури фарқланади: 1. Конструктив. 2. Деструктив. *Конструктив* сўзи «тузувчи» маъносини аниқлатади. *Деструктив* атамасининг келиб чиқиши немис файласуфи Г.В.Ф.Гегель номи билан боғланади. Салбийлик категорияси таъсирида юзага келган мазкур термин илмий муомалага файласуф ва психоаналитик олим Э.Фромм томонидан олиб кирилган.¹⁵ Ушбу термин «бузувчи» маъносини билдиради. Бундай диалогларда мулоқот иштирокчиларининг руҳий ҳолати тинч ҳолатдан жанговор ёки тушкунлик, чарчоқ, стресс ҳолатларига ўтиши намоён бўлади. Чунки баҳс – мунозара жараёнининг юзага келиши маълум бир манфаатлар тўқнашуви натижасида юз беради. Мурасасиз манфаатлар тўқнашувининг ривожланиши ва кучайиши натижасида келишмовчилик юзага келади. Келишмовчилик суҳбатдош фикри, ўйлари, хатти-ҳаракатига, унинг ҳақиқатларига бошқа бир суҳбатдошнинг қатъий норозилик кўрсатиши ҳисобланади. Қуйидаги мисолда буни кўришимиз мумкин:

– Бўлди, - деди бола бир маҳал.

– Нима бўлди?

– Бўлди, ўйин тамом! - дея қиқирлайди Кунтуғмиш.

Баҳром тахтага зеҳн солиб чиқади - ю тахта бўлиб қолади.

– Тирмизак! – дейди аччиқланиб ва кафтининг орқаси билан бир уриб шахмат тахтасини аздариб ташлайди. Доналар гулзорга сочилиб кетади.

¹⁵Волкова Я.А. Деструктивное общение в когнитивно-дискурсивном аспекте. https://vspsu.ru/sites/default/files/disfiles/dissertations/volkova_dissertaciya.pdf

Жаҳл билан ўрнидан турганида харракнинг бола ўтирган тарафи босиб, Кунтуғмиш ерга қулайди.

– Сўзингизда турасизми энди? – деб сўрайди «гройсмистер» думалаб ётган жойидан.

Баҳром ловуллаб бақиради:

– Қанақа сўз?!

– Тошкент, спонсорлик масаласи...

– Хув даданг қилсин спонсорликни!

– Дадам...Билла кетамизми?

– Борсанг, ана, ўзинг боравер! Ота сеники! Бозор иқтисодиёти!

Чўнтагидаги сигаретини пайнаслай-пайнаслай Баҳром зарда билан ҳовлини тарк этади...

Бола онасига йиғламсираб боқади:

– Амаким экан деб қолиб берсам, тоғам деб қолиб берсам, унақада ўйнаб нима фойда!

Норой янга бармогини тишлаб, бош чайқаб қолди...

Боланинг дийдасида милдир-милдир ёш, қидиряпти. (Эркин Аъзам. Қарздор)

Нутқий вазият ва иштирокчиларнинг ёши, шу вақтдаги руҳияти ва ижтимоий ҳолати мазкур зиддиятнинг асосий нуқталари ҳисобланади. Диалог иштирокчиларининг ижтимоий-руҳий ҳолатлари уларни бирлаштирувчи ёки бир-биридан узоқлаштирувчи вазифани ҳам бажариши мумкин.

Ноҳолис диалоглар. Улар таркибига:

1) суҳбатдошни мот қилиш – эристика ва ўз-ўзини намоиш этишни киритиш мумкин. А.Шопенгауернинг эристика ёки баҳсда ютиш санъати ҳақидаги шу номли асари кўпчиликка таниш.¹⁶ Унда ушбу санъатнинг 30 дан ортиқ усуллари батафсил баён этилган. Антик давр нотиклари айнан риторика ва эристика орқали халқ олдида обрў қозонишган ва суд жараёнида ғалабага эришишган. Албатта, давр нуқтаи назаридан холис ва ноҳолис усуллар фарқланмаган. Суҳбатдошлардан бирининг ўзининг имкониятларини ҳар томонлама қарор топтириш мақсадида «мен»ини намоиш этиш ҳолати эса психологиядаги асосий назариялардан бири ҳисобланади. А.Маслоунинг машҳур «Эҳтиёжлар пирамидаси» да қайд этилишича, инсоннинг яшаш учун 6 та асосий эҳтиёжи мавжуд: физиологик эҳтиёж, хавфсизлик эҳтиёжи, яқинлик эҳтиёжи, ҳурматга нисбатан эҳтиёж, когнитив ва эстетик эҳтиёж, ўз-ўзини қарор топтириш эҳтиёжи. «Эҳтиёжлар пирамидаси»нинг чўққисида **ўз-ўзини қарор топтириш** эҳтиёжи туради.¹⁷ Унга кўра, инсон ўзининг маънавий «мен»ини кўрсатиб қўйишни биринчи ўринга олиб чиқади. «Мен»нинг намоиши ижобий ғоя ва мақсадларни ҳам, лидерлик

¹⁶ Шопенгауер А. Мир как воля и представление. Афоризмы житейской мудрости. Эристика, или искусство побеждать в спорах. – М.: Эксмо, 2018. – С. 510-550.

¹⁷ Бу ҳақда қаранг: Ғозиев Э. Психология методологияси. – Тошкент: Noshir, 2013. – Б. 129; https://ru.wikipedia.org/wiki/Пирамида_потребностей_по_Маслоу.

қобилиятини ҳам белгиловчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Баъзан эса ақлий, маънавий ва руҳий пландаги «мен» ижтимоий механизм ўчоғида аланга олиши ҳам мумкин. «Аланга» натижасида томонлар ўртасида нотенглик юзага келади ва бундай диалоглар нохуш ва салбий ҳолат билан яқунланиши мумкин. Улар сирасига ўзбек менталитетида учрайдиган *ўзидан кетмоқ, отдан тушса ҳам эгардан тушмаслик, ҳеч кимга гап бермаслик* каби турғун бирикмаларда ифодаланадиган маъноларга хос ҳолатлар киради. Шунингдек, ноҳолис типдаги диалогларда саволга асосий урғу берилади. Савол мазмуни ичига кутилаётган манфаат учун бериладиган жавоб беркитилади. Саволга қандай жавоб берилишидан қатъи назар, жавоб берувчи тузоққа тушади ва мағлуб бўлади. Бу ҳолатларни суд жараёнидаги қораловчининг усули сифатида ҳам, кундалик ҳаётимизда ҳам учратишимиз мумкин. Бундай савол-жавобларда «Ҳа» жавобини талаб қилувчи бир неча саволлар олдиндан тайёрланишини ҳам кузатишимиз мумкин. Мисол:

- *Айбномани эшитдингизми?*

- *Ҳа..*

- *Мингбоши сувни ўзи сўрадимми?*

- *Ҳа, ўзи сўради..*

- *Мастмиди?*

- *Кўп ароқ ичиб эди.*

- *Сувни ким берди?*

- *Мен бердим.*

- *Чойнакданмиди?*

- *Ҳа..*

- *Мана бу чойнакми?*

- *Ҳа*

- *Кимнинг чойнаги бу?*

- *Меники.*

- *Сизникими?*

- *Ҳа, меники...*

(Чўлпон. Кеча ва кундуз).

Мазкур диалогик парчада асар қаҳрамони Зебини айбдор қилиш ва уни айбига иқрор қилиш учун ноҳолис, айёрона-тузоқ типидан – «Ҳа» жавобини талаб қилувчи сўроқ жумлаларни келтириш усулидан фойдаланилган;

2) маънавий тажовуз қилиш. Ушбу усулда суҳбатдошлардан бири рақибга айланади, аммо иккинчи суҳбатдош бунга мутлақо билмаслиги ва сезмаслиги ҳам мумкин. Рақиб иштирокчининг асосий мақсади суҳбатдошини ерга уриш, шахсиятига дахл этиш орқали уни руҳан синдириш, маънавий тажовуз қилишдан иборат бўлиб, у шу ниятда «қадам ташлайди». Қуйидаги диалог бунга мисол бўла олади:

- *Хўш? – Аҳмадхонов бамайлихотир жойига ўрнашиб олган, бошини бир ёнга солганча мендан жавоб кутар эди. Негадир ўзимдан нафратланиб кетдим. Шарт бошимни кўтариб, бир лаҳза унинг кўзига тикилдим:*

- *Билмайман!*

– Ана шундай бўлади! – деди Аҳмадхонов жавоб беролмаслигимни олдиндан билгандек **ачитиб**. – **Билмасанг, кўтар бунингни!**

Қарасам, ҳафсала билан шилдироқ қозоғга ўралган синов дафтарчам остонада – оёқ остида ётибди. Худди биров ўзимни шундай итқитиб юборгандек бўлди-ю титраб Аҳмадхоновга юзландим.

– Шунга лойиқ, - деди у **киноядор бош ирғаб**.

– Кечирасиз. Домла, олиб беринг! – дедим ловиллаб.

– Нима-нима?! Нима деясан?

– Мен сизни плашингизни олиб бердим-ку!..

Аҳмадхонов кўзлари бақрайган кўйи анграйиб қолди. Раҳматилла дафтарчамни олиб келиб қўлимга тутқазди-да, тирсагимдан чимдиганча эшик томон бошлади. (Э.Аъзам.Отойининг туғилган йили)

Имплицатив маъноли диалоглар. Бу турдаги диалоглар ҳақида гап кетганда профессор М.Ҳакимовнинг фикрларини ёдга олиш мақсадга мувофиқ бўларди. Муаллиф умумяширин маъзмун таркибига кирувчи ҳодисаларни қуйидагича изоҳлайди. «Ифоданинг умумяширин мазмуни ўзининг қуйидаги баъзи кўринишларига ёки услубий шакллариغا эга бўлади: импликация, тағмаъно, аллюзия, прессупозиция, номатний маъно («затекст»)¹⁸. Имплицатив маъноли диалоглар турига инсонларнинг билимини ўстириш, уларни ақлан юксалтириш ҳамда тағмаъно ва прессупозицияга бой бўлган диалогларни киритишни маъкул топдик. Ушбу турда инсон – яширин маъно – англаш учлиги ҳаракатга келади, дейиш мумкин. Иштирокчилар осонликча эмас, балки заковат ва фаросатни ишга солган ҳолда жумла мазмунини уқиши керак бўлади. Бу ҳолат тилнинг когнитив-прагматик томони билан боғлиқлик ҳосил қилади. Зеро, «... диалогик нутқ коммуникантларнинг фикр алмашув жараёнидаги ақлий меҳнат фаолиятларининг асосини ташкил этувчи жонли нутқий воситадир»¹⁹. Мисол:

– Бу ёруғ дунёда бир ошиқ бор эди, Замира, ўша келиб маҳбубасининг дарчасини чертди, – Файбаров қабр тошини чертиб кўрсатди. – Ичкаридан сўроқ сўрашди: кимсан? Ошиқ айтди: оча қол, бу менман. Маҳбуба айтди: кетавер, бу ерда икки кишига макон йўқ. Ошиқ ноилож чўли биёбонга чиқиб кетди. Бирор йил ўтиб, яна қайтиб келди, яна дарчани чертди, яна ичкаридан сўроқ сўрашди: сен кимсан? Ошиқ айтди: оч, мен сенинг ўзингман. Шунда дарчани очиб, ошиқни ичкарига қўйдилар.

– Шунча узоқ ўйлаб юрибдимми? – деб кулди Замира.

– Ҳа-да, илгари одамларнинг ўйлашга фурсати кўпроқ бўлган шекилли.

– Қизиқ чўпчак экан, - деди Замира. Ўзингиз тўқиганмидингиз?

– Йўқ, – деди Файбаров. Жалолиддин Румий тўқиган, лекин бечора ошиқнинг узоқ кутгани рост.

– Унинг ўзи: «Ичкарида ким бор?» – деб сўраса бўлмасмиди?

¹⁸ Ҳакимов М., Газиева М. Прагмалингвистика асослари. Дарслик. – Фарғона, 2020. – Б. 75.

¹⁹ Саидхонов М. Диалогик нутқнинг коммуникатив таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2004. – №2. – Б. 70.

- *Бўларди-ю, чўчиган-да, – ичкарида бошқа одам борлигидан қўрққан.*
- *У ерда ҳеч ким йўқ бўлса-чи? – деб қулди Замира. – Шунинг учун дашти биёбонга чиқиб кетиш шарт эканми?*
- *Билмасам, – деб елка қисди Файбаров. – Ростдан ҳам ичкарида бошқа одам йўқми?*

Ким билади, – деди Замира кўзларини олиб қочиб. – Балки у ерда ҳеч ким, балки маҳбубанинг ўзи ҳам йўқдир.. (М.М.Дўст. Галатепага қайтиш ёхуд саодатманд Файбаров ривояти).

Мазкур диалогдаги яширин (имплицит) ифодаланишлар мағзи чақилса, Файбаров Румий ривояти замирида яширинган маъно орқали Замирада кўнгли борлигига ишора қилгани ва ривоятдан ўз мақсади йўлида – Замиранинг руҳиятига таъсир этиш воситаси сифатида фойдалангани аён бўлади.

Бобнинг иккинчи фасли «Нега» ва «нима» сўроқ гапи иштирок этган диалогик бирликларнинг прагматик мазмуни ҳақида» деб номланади.

Ўзбек тилшунослигида лингвистик прагматика соҳасидаги назарий қарашларнинг пайдо бўлиши А.Нурмонов ва Н.Маҳмудов номлари билан боғлиқ. Муаллифларнинг мазмуний синтаксисга бағишланган ишларида «ташқи сигналлар»²⁰ номи билан яширин маънога ишора қилувчи ёрдамчи сўзлар ҳақида маълумотлар берилганлиги маълум. Тил илмининг прагматика соҳасига эътибор ортиши билан бир қатор тилшунослар, жумладан, М.Ҳакимов, Д.Лутфуллаева, У.Раҳимов, А.Пардаев кабиларнинг илмий ишларида шу соҳанинг ўрганиш объекти бўлган яширин маъно – прессупозиция, тағмаъно масалаларига бир неча бор эътибор қаратилганининг гувоҳи бўламыз.²¹

Д.Лутфуллаеванинг шу мавзуга оид тадқиқотларида бир неча синтактик қолиплар орқали ифодаланган яширин маъно ҳақида мулоҳазалар баён этилган. Жумладан, сўроқни ифодаловчи синтактик қолиплар таркибида қандай.., қаёқда.., қачон.., қани.., қанақа.., қаердан.., нимаси.., кимда... каби сўроқ олмошлари билан бошланувчи синтактик қолиплар мавжуд.²² Айтиш жоизки, ўзбек тилшунослигида *нега* ва *нима* сўроқ типли диалогик бирликлар табиати алоҳида ҳолда ўрганилмаган.

Маълумки, ўзбек тилидаги сўроқ гаплар оддий (аниқлаштирувчи) типдаги сўроқ гаплар ва риторик турдаги сўроқ гапларга бўлинади. Риторик сўроқ гапларга жавоб берилиши шарт бўлмайди ва шу билан бирга жавобни

²⁰Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент, 1992. – Б. 115.

²¹ Раҳимов У. Тағмаъно ва прессупозиция. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2005. – №5. – Б. 29-33; Нурмонов А., Ҳакимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2001. – №4. – Б. 54-57; Лутфуллаева Д. Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиқлик: Филол. фан. ном. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1997. – Б.17-21; Шу муаллиф. Содда гапларда йўқлик маъносининг яширин ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2001. – №5. – Б. 42-45; Пардаев А. Ўзбек тилидаги зидлов боғловчилар прессупозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – №4. – Б. 12-16.

²² Лутфуллаева Д. Содда гапларда йўқлик маъносининг яширин ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2001. – №5. – Б. 42-45.

гап пропозицияси чегарасидан четга чиқмасдан туриб топиш керак бўлади. Шу билан бирга турли тилларда риторик сўроқ гаплар мақоми турлича бўлиши ўша халқнинг миллий қадриятлари билан характерланади. Чунки «Тил – у ёки бу маданиятнинг ифодачиси»дир²³. Ўзбек халқи учун *Нонни ким қадрламайди?!* гапи риторик характер касб этса, бошқа халқлар учун аниқлаштирувчи характердаги оддий сўроқ гапи ҳисобланиши мумкин.²⁴

Сўроқ гапли диалогик бирликлар мавзусига Н.Д.Арутюнова ва Е.В.Падучеваларнинг тадқиқотларида эътибор қаратилган.²⁵

Сўроқ гаплар тадқиқига бағишланган сўнгги ишларнинг бирида сўроқ гапларнинг 10 га яқин турлари келтирилади²⁶. Уларда асосан 2 хил мазмун берилади: 1) *нега?* сўроқ сўзининг борлиқдаги нарса ва ҳодисанинг сабаби ёки нега юз берганини аниқлаш (коммуникатив вазифа) вазифасини бажариши; 2) *нега?* сўроқ сўзининг тингловчидан жавоб кутмай, сўзловчининг бошқа субъектив - прагматик ниятини амалга ошиши учун хизмат қилиши. Бундай диалогик бирликлардаги *нега?* савол шакли ўзининг маъновий структурасидан анча узоқлашади ва субъектив муносабатларни ифодалаш воситасига айланади. Бунда қуйидаги прагматик маънолар англашилиши кузатилди:

1. Инкор маъноси: – *Хатга аччигингиз келгани йўқми? – деб сўради Султонхон.*

– *Нега? (Аччигим келмади)* (Чўлпон. Кеча ва кундуз).

2. Буйруқ маъноси: - *Сизлар-чи, сизлар нега ҳайдамадинглар? (Ҳайдашларинг керак эди)* (Х.Султон. Бир дам кўзингни юм)

3. Ранжитиш маъноси: - *Аммо менга жой бўлиши керак, – деди меҳмон пинагини бузмай. Маъмура энди чимирилди.*

– *Нега, бронингиз борми? Инвалидмисиз? Ё депутатмисиз? Балки қаҳрамондирсиз?(Ўзингизни брони бор одамдай тутманг!)*

– *Йўғ-у, – дея кулимсиради меҳмон.* (Х.Султон. Ажойиб кунларнинг бирида)

Нега компонентли диалогик бирликларнинг *тинчлантириши, тасдиқ, буйруқ, мажбурлаш* каби прагматик маъно англатувчи турлари ҳам мавжуд. Диссертацияда бу каби диалоглар ҳам таҳлил қилинди.

Нима компонентли диалогик бирликлардаги яширин маънонинг берилишида ҳам сўроқ сўзи англатаётган маъно аниқлаштирувчи эмас, балки турли прагматик мақсадларда қўлланишини қуйидаги мисолларда кузатдик:.

²³Нурмонов А. Лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизм назариялари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – №5. – Б. 10-19.

